Ушбу сонда:

2 ИШЧИНИНГ ҲАҚЛИ САВОЛИ нега жавобсиз қолмоқда?

3 УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА

4 *Болалар спорти* ҚЎШКЎПИР — ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 22 январ, чоршанба № 13 (1438)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О.Р.Хасановни Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Ойбек Рустамович Хасанов Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 21 январ

ВАТАНГА МЕҲР-МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТАРБИЯСИ

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам муносабати билан йўллаган табригида халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри бўлмиш миллий армиямизни барпо этиш ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликни, балки юксак ақлидрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий фазилатларга эга бўлишни тақозо этади, деб таъкидланган.

Шу маънода, армиямизда соғлом маънавий муҳитни яратишда тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйиш, хусусан, адабиётнинг аҳамияти катта. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу ҳақда сўз юритилди. Унда ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида қалам тебратаётган адиблар, драматурглар, режиссёрлар иштирок этди.

Уюшма раиси Абдулла Орипов бошқарган йиғилишда миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига, замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган армиямиз ҳақида гап кетганида ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадга эришиш йўлида муайян ишлар қилингани қайд этилди.

Мустақиллик миллий армия билан чамбарчас боғлиқ ва уйғундир. Шундай экан, миллий қадриятларимизни тиклаш, миллий ғояни шакллантириш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бугунги кундаги асосий вазифалардан биридир.

Ўтган вақт мобайнида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида қатор адабий, саҳна ва экран асарлари яратилди. Ҳарбий қисмларда адиблар иштирокида ўтказилаётган учрашувлар, турли маънавий-маърифий тадбирлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ишларни янада жонлантириш, аскарлар ҳаёти билан яқинроқ танишиш ва шу асосда асарлар яратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда ҳарбий-ватанпарварлик мавзуидаги адабий асарлар, фильм ва телесериаллар сценарийси учун танлов эълон қилиш хусусида фикр билдирилди. Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида ижод қилувчи адиблар кенгашини тузишга келишилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари А.Мелибоев сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

2003 йил - Обод маҳалла йили

Карши шаҳридаги Чақар маҳалласи қадимий ва ҳамиша навқирон Насафнинг аҳоли тиғиз яшайдиган мавзеларидан бири. Кейинги пайтда амалга оширилган ташкилотчилик ишлари туфайли ҳудудда инфратузилмани ривожлантиришда жиддий ўзгаришлар рўй берди.

ҲУНАРМАНДЛАР МАСКАНИ

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги аҳамиятини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Турли миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган бу маскан ўзининг саранжом-саришталиги, ободончилиги ва осойишталиги билан бутун вилоятга маълум.

Мана беш йилдирки, шаҳарда ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлган Норгул Мустафоқулова маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилади. Ташкилотчи ва ташаббускор, тиниб-тинчимас фидойи аёлнинг елиб-югуришлари натижасида йўллар кенгайтирилди, кўча ва хиёбонлар асфальтланди. Янги иш ўринлари яратилди, газ-сув ўлчаш асбоблари ўрнатилди.

Юртдошларининг кўз ўнгида вояга етган Норгул опа намунали оила бекаси ҳамдир. У маҳалладаги катта-кичикни, ёшу қарини беш қўлдек билади. Уларнинг турмуш тарзи, яшаш шароитларидан хабардор.

Бундан икки йил муқаддам маҳалла айлангани чиққан раис бекор юрган ёшларни учратиб қолди. Эртасига шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарларини маҳаллага таклиф қилди. Биргаликда қилинган саъй-ҳаракат туфайли бокс ва кураш секцияси юзага келди. Айни пайтда 150 нафар ўсмир спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда.

Ўсиб келаётган ёшларнинг онги ва тафаккурини шакллантириш, фаоллигини ошириш, уларда Ватан ва оила тақдири учун масъуллик туйғусини кучайтиришда «Маънавият ва маърифат маркази» билан ҳамкорликда ташкил этилган ўқувлар ижобий самара бермоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент Фармонлари қизиқиш билан ўрганилаяпти.

Чақар азалдан қўли гул зардўзлар, сандиқсозлар, темирчилар, ҳалволари оғизда эриб кетадиган қанд-долатпазлар маскани. Ҳудудда яшаётган 2059 оиланинг ўзига яраша ташвишлари бор. Норгул опа яхши-ёмон кунларда улар билан ҳамиша бирга.

Бандлик дастури изчиллик билан амалга оширилаяпти. Меҳнат биржаси билан бирга ташкил этилган «Уста ва шогирд» миллий ҳунармандчилик мактабини 116 нафар киши тугаллаб, ҳунармандчилик сирларини ўрганди.

Маҳалла гузари ораста ва обод. Халқ банки тармоғи, «Гўзаллик» салони, қариялар чойхонаси, озиқ-овқат дўконлари, ошхона, сартарошхона, пойабзал тузатиш устахоналари аҳоли хизматида.

Маҳаллани ривожлантириш дастури ишлаб чиқилган. Унга асосан шаҳардаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, таълим масканлари билан ҳамкорликда мактаблар ва оилаларнинг муаммолари ўрганилаяпти. Асли касби педагог-тарбиячи бўлган Норгул Мустафоқулова муносиб хизматлари эвазига «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар тадбиркорларга биркитиб қўйилган. Б.Нуриллаев, О.Рашидов, Н.Умаров, Р.Аҳмедов сингари ишбилармонлар кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар ва боқувчисини йўқотганларни баҳоли қудрат қўллаб-қувватлаб турибдилар.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Бандлик дастури» амалда

ЯРМАРКАЛАРДА ИШЛИ БЎЛИШДИ

Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, ишсизлик муаммосининг олдини олиш, янги иш жойларини ташкил этиш, касб-ҳунарга ўқитиш ишларини янада яхшилаш мақсадида туман «Камолот» ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказиш узлуксиз жараён касб этмоқда.

Ўтган йилнинг май, декабр ойларида ўтказилган ана шундай ярмаркаларда жами 238 нафар киши ишга жойлашди.

Хусусан, декабр ойида бўлиб ўтган тадбирда тумандаги 79 та корхона ва ташкилот 208 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Шуниси эътиборга лойиқки, анжуманга улар ўзлари ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулотлари билан келдилар. Бу ўз навбатида қатнашувчиларнинг тасаввурини бойитиш билан бирга, ўзларига мақбул бўлган касбни танлай олиш имконини берди.

Ярмаркага ташриф буюрган, иш билан банд бўлмаган ёшлар билан суҳбатлар ўтказилди.

Натижада ишсизлар ўзларига мақбул келадиган иш ўринларини танлаб, ишга жойлашишга эришдилар. Шу куни 198 нафар киши мурожаат қилган бўлса, уларнинг 162 нафари иш билан таъминланди. 56 нафарига маслаҳатлар берилди.

Туман меҳнат бўлимига ўтган йили 1324 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди. Улардан 971 нафари тумандаги корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларига йўлланма билан ишга жойлаштирилди, 207 нафар фуқарога маъқул келадиган иш ўрни топилмаганлиги сабабли ишсизлик мақоми берилиб, 56 нафари қишлоқ фуқаролар йиғинларида якка тартибда очилган тикувчилик, зардўзлик касби бўйича ўқишга юборилди. 105 нафари шартнома асосида икки ойлик жамоат ишига жалб этилди. 46 нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди.

615 нафар ёшлар йўлланмамиз асосида тумандаги корхона ва ташкилотларга турли касблар бўйича ишга жойлаштирилди. 70 нафар вояга етмаган ёшлар ҳам иш билан банд этилди. Хуллас, туман бўйича ўтган йили 1316 та янги ишчи ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган фуқароларни квотали иш ўринлари билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ўтган йили 627 нафар фуқаро шу асосда ишга жойлаштирилди.

Шунга қарамасдан 1.5 фоизли мажбурий ажратмалар айрим корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари эътиборсизлиги туфайли ҳисоб рақамига келиб тушмаётганлиги бир қадар муаммолар туғдирмоқда.

Бахтиёр МУХТОРОВ,
Дўстлик туман Меҳнат бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида Халқаро ҳамкорлик бўйича Америка агентлигининг (USAID) Марказий Осиёдаги миссияси директори Жорж Дейкун билан учрашув бўлиб ўтди. Мазкур ташрифдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз Давлат божхона қўмитаси ҳамда USAID ўртасида божхона соҳасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

БОЖХОНАЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Давлат божхона қўмитаси раиси Б.Парпиев билан суҳбат чоғида АҚШ ҳукумати мамлакатимиз божхона хизматига техникавий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатаётгани таъкидланди. Агентликнинг мамлакатимиз божхона соҳасидаги қонунчилиги ҳамда амалиётини Жаҳон савдо ташкилоти талаблари даражасига яқинлаштириш ва уйғунлаштириш жараёнидаги ёрдами ҳам самарали бўлмоқда.

Ж.Дейкун АҚШ томони Ўзбекистонга бу борада берилаётган кўмакни янада кенгайтиришини маълум қилди. Хусусан, яқин орада Ўзбекистонга Агентликнинг бевосита божхона соҳаси билан шуғулланувчи экспертлари келишини айтди.

(ЎзА).

«ХАДИЧА»НИНГ ЧЕВАР ҚИЗЛАРИ

Қизилтепа туманидаги «Хадича» хусусий фирмасини бундан саккиз йил илгари моҳир зардўз Хадича Воҳидова ташкил этган эди. Истиқлол шарофати туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилгач, Хадича опа тўрт нафар қиз-жувонни қанотига олиб, уларга зардўзлик сирларини ўргата бошлади.

Қисқа вақт ичида «Ўзбекистон», «Бухоро», «Ворозун», Навоий номидаги ширкат хўжаликларининг чекка қишлоқларида «Хадича» фирмасининг бўлимлари очилиб, 300 дан зиёд қиз-жувон, ёш-яланг миллий ҳунармандчиликдан сабоқ олди.

Зардўзлик, каштачилик, тикувчилик, патдўзлик, бешикчилик, сандиқсозлик, нақкошлик, мусаввирлик, ёғоч ўймакорлиги, сартарошлик, новвойлик, қандолатчилик, ошпазлик, пойабзал тикиш ва таъмирлаш, кулолчилик каби ҳунарларни пухта эгаллаган ёшлар фирманинг ўзида иш билан таъминланди.

Фирмада тайёрланган миллий ҳунармандчилик намуналари яқинда БМТнинг Навоий шаҳридаги аёллар ишлари вакилатхонаси томонидан Хитой, АҚШ, Германия, Испания, Англия, Франция давлатларига юборилди. «Хадича» қизлари тайёрлаган Ўзбекистон рамзлари Тошкентда ўтказилган «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик-танловида юқори баҳоланди.

Айни кунда опанинг шогирдлари Навоий шаҳри, Навбаҳор, Хатирчи туманларида, Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида, Жиззах шаҳрида зардўзлик сирларини ёшларга қунт ва меҳр билан ўргатиб, устозларига муносиб издош бўлаётир.

(ЎзА).

Янгиқўрғон тумани ширкат ва фермер хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникасини капитал таъмирлаш ўтган йилдагидан йигирма кун олдин тугалланди. Барча машина ва ёрдамчи техника қўкламги дала ишларига тахт қилиб қўйилди.

МАВСУМГА ТАЙЁРГАРЛИК

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўнлаб насос агрегатлари, юзлаб артезиан қудуқлар янги мавсумга тайёр. Ариқ ва каналларни тозалаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Миробларнинг таклифига кўра, жазирама ёз пайтида бебаҳо бўлиб кетадиган сувни тежаш учун далаларга сув ўлчагич асбобларни ўрнатишга қарор қилинди. Бу эса табиий неъматни тежаш билан бирга суғоришни агротехник қоидалар асосида ўтказиш имконини ҳам беради.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги «Ханор» қўшма корхонасида ун, шакар ва бошқа маҳсулотлар учун қоп ишлаб чиқарилади. Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳларда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Айни кунларда корхонада ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини янада ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш устидан иш олиб борилмоқда.

Суратларда: қўшма корхона ҳаётидан лавҳалар.

Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар

Контрабанда йўли тўсилсин!

ШИША ИЧИДА АЖАЛ УРУҒИ

Қонун ва қарорлар мамлакат, давлат, жамият манфаатларини кўзлаб қабул қилинади. Улар устуворлиги таъминланган жойдагина кўзланган натижалар қўлга киритилади. Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги, «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорларида сотишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳам баайни шу мақсадларга хизмат қилади. Ўтган қисқа вақт мобайнида мазкур қарорларни амалга ошириш юзасидан қатор ижобий ишлар адо этилди. Бироқ айрим шахсларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари, амалдаги сиёсий ҳужжатларни назарписанд қилмаётганликлари туфайли хунук воқеалар рўй бермоқда. Баъзан ҳатто фожеали ҳодисалар юзага келмоқда.

... Яқинда Б.М. исмли йигит бир ўлимдан қолди. Унинг айтишича, бир тўйда ўртага тортилган арақдан анчагина ичибди. Эртасига эса лоҳас бўлиб, қорни қаттиқ оғриб, шифохонага тушибди. Табибларнинг югур-югури боис омон қолибди. Бундай мисоллар кейинги кунларда кўплаб учраб турибди. Хўш, нега шундай бўляпти?

Республикамизга Қозоғистондан олиб келинаётган «Пшеничное», «Файн», «Парламент», «Родина», «Столичное», «Экстра», «Семей суу», «Оқ сой» маркали ароқ ва винолар истеъмол этилиши натижасида заҳарланган кишилар тиббиёт муассасаларига тушмоқда. Ажал уруғи билан тўлдирилган, чиройли ёрлиқлар билан безатилган, ниҳоятда арзон нархда сотилаётганлиги туфайли одамлар томонидан харид қилинаётган мазкур сунъий заҳри қотиллар юқоридаги вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Таассуфки, бу ичимликларни юқори сифатли деб ўйловчилар топилиб турибди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош санитария-эпидемиология хизматининг маълумотларига кўра, ҳар куни 60-65 нафар киши сифатсиз ичимликларни истеъмол қилишлари оқибатида дардга чалиниб, оғир аҳволга тушмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундай ҳолатларнинг 90 фоизига интексикация манбаи сифатида Қозоғистоннинг бизга туташ минтақаларида яширинча тайёрланган «қўлбола» ароқ ва винолар сабаб бўлган. Чунки, улар оддий водопровод суви, юқори таркибдаги эфир мойлари концентрацияси, симоб, мис, қўрғошин каби турли заҳарли аралашмалар мажмуасидан тайёрланган ва лозим даражада ювилмаган ифлос идишларга қадоқланган. Уларнинг аксарияти синтетик спиртлардан тайёрланган. Бундай ичимликлар инсон баданига киргач, ички аъзоларни заҳарлаб, оғир ҳасталиклар келтириб чиқаради.

Хўш, ажал уруғи қуйилган маҳсулотлар мамлакатимизга қаердан, қандай йўллар билан кириб келмоқда? Тошкент вилоятининг Ғиштқўприк» чегара постидаги аҳволга бир назар ташлайлик. Сарҳадда турган ходимлар одамларни белгиланган тартиб-қоида асосида ўтказмоқдалар. Йўловчиларга маҳтал бўлиб турган автобус бир зумда қўлларида сумкалар кўтарган аёллар билан Автоулов «Юнусобод» бозори ёнига келиб тўхтагач, бояги тўрва ва сумкали аёллар турли томонларга йўрғалаб кетишди... Шу аснода божхоналардаги тартиб-қоидаларни янада қатъийлаштириш керак эмасмикин, деган ўй келди хаёлга.

Биз қўшни мамлакатлар билан ҳамиша дўст, қадрдон бўлиб яшашга интиламиз. Зеро, ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик халқлари азал-азалдан қон-қардош, қуда-қудағайдир. Аммо кимларнингдир пулга муккасидан кетиш йўлидаги ножўя ҳаракатлари, инсофни унутганликлари қимматга тушяпти. Бир неча кун муқаддам Қирғизистоннинг Қорасув шаҳридан келаётган «КамАЗ» автомашинаси тўхтатилиб, сифат сертификати бўлмаган 156 миллион сўмлик қимматбаҳо газламалар мусодара қилинди. Тожикистон билан чегарадош Бекобод тумани ҳудудидаги текширув постларида ҳам ана шундай воқеалар бўлиб турибди. Шунингдек, Ширин шаҳридаги «Сарвар» хусусий фирмаси сотувчиларидан акциз маркалари бўлмаган спиртли ичимликлар олиб қўйилди.

Биз қўшни мамлакатлардан республикамиз ҳудудига ноқонуний, ўғринча, яъни контрабанда йўли билан сифатсиз, истеъмолга яроқсиз, инсонлар турмуши ва ҳаётига хавфли турли хил товарларнинг кириб келишига мутлақо қаршимиз.

Р.УМАРОВ,
«Ишонч» махсус мухбири.

Жамоада соғлом муҳит

ИНСОН АЗИЗ

«Андижонавтойўллойиҳа» институтига қарашли автомобил Сурхондарё вилоятига хизмат сафарига кетаётиб, Данғара туманида бахтсиз ҳодисага учради. «Жиззахтранс» уюшмасига қарашли такси саройи ҳайдовчиси Ботир Абдуллаев бошқариб бораётган автоулов ҳам Учтепа-Жиззах йўлида чеккадаги тўсиққа урилди. Бу кўнгилсиз ҳодисалар натижасида бир неча одам қаттиқ тан жароҳати олди. Бошқача айтганда, ўйламай қўйилган қадам қанча-қанча кўз ёшига сабаб бўлди.

Бу эса ўз навбатида автокорхоналар раҳбарияти ҳамда касаба уюшма қўмитасидан меҳнат муҳофазасига ниҳоятда фаол муносабатда бўлишни тақозо этади. Шу боисдан ҳам республика автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси меҳнат муҳофазаси, транспортда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳамда низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар жамланиб, барча бошланғич ташкилотларга етказилди. Натижада автокорхона ҳамда йўл ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари қошида фаолият кўрсатаётган меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолияти сезиларли даражада жонланди. Бу борада «Ўзшаҳарлараротранс» бирлашмасининг «ТошЭТЭК», «Тошвилтранс» уюшмасига қарашли 2503-автожамланма, «Самарқандтранс» уюшмасининг 2522-автожамланмаси, 9-Фарғона автобус саройи, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг «Mercedes-Benz» сервис маркази, «Қўқон кўприк ва йўл қуриш», Шаҳрихон туман автомобил йўллар бошқармасида яхши натижаларга эришилмоқда. Муҳими, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунда белгиланганидек, 50 дан зиёд киши га олиб, ушбу муҳим масала Марказий қўмита раёсатида кўриб чиқилиб, дастур ишлаб чиқилганди. Меҳнат ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича касаба уюшма ташкилотлари назоратини фаоллаштириш мақсадида мазкур масалалар билан боғлиқ қонун, қарор, низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар жамланиб, барча бошланғич ташкилотларга етказилди. Натижада автокорхона ҳамда йўл ташкилотлар касаба уюшма қўмиталари қошида фаолият кўрсатаётган меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялар фаолияти сезиларли даражада жонланди. Бу борада «Ўзшаҳарлараротранс» бирлашмасининг «ТошЭТЭК», «Тошвилтранс» уюшмасига қарашли 2503-автожамланма, «Самарқандтранс» уюшмасининг 2522-автожамланмаси, 9-Фарғона автобус саройи, «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг «Mercedes-Benz» сервис маркази, «Қўқон кўприк ва йўл фаолият кўрсатаётган корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича муҳандис лавозими жорий этилган. Хусусан, улар «Тошшаҳарйўловчитранс» уюшмасининг ҳар бир корхонасида унумли фаолият кўрсатишмоқда.

Самарқанд вилоятидаги 55 та бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳам меҳнат муҳофазаси борасида анчагина ишлар амалга оширилди. Ўтган йили бу муҳим тадбир учун 27 миллион сўм сарфланди. Бу ҳар бир ишчига 35600 сўмдан тўғри келади. 2001 йилда эса бу кўрсаткич 18600 сўмни ташкил этганди.

Лекин вилоятда меҳнат муҳофазасига сарфланаётган маблағнинг ошиб бораётганлигига қарамасдан 24-, 128-, 130-автокорхоналарда, Челак, Пастдарғом туман автомобил йўллари бошқармаларида зарарли иш шароитида ишловчиларга шахсий ҳимоя воситалари ҳамда махсус кийим-бош билан таъминлашга ҳамда тиббий-маиший хоналарни таъмирлашга етарли эътибор берилмаяпти. Меҳнат муҳофазасига оид масалалар ўтган йилнинг октябр ойида бўлиб ўтган вилоят тармоқ касаба уюшмалари қўмитасининг мажлисида кўриб чиқилган. Бироқ жамоа комиссиялари ҳамда уларнинг вакиллари фаолияти атрофлича таҳлил этилмаган. Шуни ҳам ачиниш билан қайд этиш лозимки, меҳнат муҳофазасининг асосий қисми бўлган иш жойларини аттестациядан ўтказиш, техника хавфсизлиги хоналарини кўнгилдагидек жиҳозлаш, тиббий-маиший ишларни яхшилаш юзасидан амалга оширилади ган муҳим тадбирлар айрим тармоқ корхоналарида жамоа шартномасига киритилмай қолмоқда.

Меҳнат муҳофазаси хоналарини кўнгилдагидек жиҳозлаб, ундан тўғри фойдаланиш яхши натижа беради. Масалан, Марказий қўмитаси ёрдамида Тошкент вилоятининг Чиноз, Тошкент, Оҳангарон, Қибрай, Ўрта Чирчиқ ҳамда Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ туманлари йўл бошқармаларида махсус хоналар жиҳозланиши кўпгина бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олди.

Бултур Тошкент туман автомобил йўллари бошқармасида йўл корхоналари раҳбарлари ҳамда касаба уюшма қўмиталари раислари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандислар, вилоят тармоқ касаба уюшма қўмиталари раҳбарлари иштирокида кўргазмали семинар ўтказилди. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофазалаш бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш мақсадида ҳар йили ўтказилаётган кўрик-танловлар ҳам кутилган натижаларни бермоқда.

Марказий қўмита ҳамда «Ўзавтодарётранс» агентлиги фаолиятида меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни автокорхона ва ташкилотларга етказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Агентлик билан Марказий қўмита ҳамкорлигида «Ўзбекистон дарё портларида меҳнат хавфсизлиги қоидалари», «Автомобил транспортида йўловчиларни ташиш пайтида меҳнат муҳофазаси қоидаси», «Корхона ҳудудида ишловчи транспортларда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари» каби бир қанча меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари шулар жумласидандир.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири.

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак

ЯХШИ АМАЛЛАР

жамоага қут-барака олиб келди

«Хоразмгўштсутсавдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти раҳбари Аминбой Аллаберганов ва касаба уюшма қўмитаси раиси Виктор Кастаковларни қизғин суҳбатлашаётган бир пайтда учратдик.

– Ёнингизга бир-иккита оқсоқоллардан олиб, Хивадаги «Меҳрибонлик уйи»га борсангиз, – деди корхона раҳбари, – Болажонларга жамоамиз номидан иссиқ кийим-кечаклар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тақдим этсангиз.

Шу куни В.Кастаков бошлиқ бир гуруҳ фаоллар болалар уйидан ташқари кўзи ожизлар жамиятига, «Экосан», «Наврўз» жамғармаларига, Урганчдаги 34-болалар боғчасига ҳам ташриф буюриб, жамоа номидан совға-саломлар топширди.

Жамият бошқарув кенгаши ва касаба уюшма қўмитаси ҳиммати билан ҳар йили ёрдамга муҳтож кишиларга 12-13 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар етказиб берилаяпти. Ёлғиз қарияларга 1 миллион 340 минг, Хива шаҳридаги «Меҳрибонлик уйи»га 200 минг, кўзи ожизлар ва карсоқовлар жамиятига 270 минг, ижтимоий таъминот бўлимига 250 минг, марказий шифохонани таъмирлашга 1 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Яхши амаллар туфайли жамоага қутбарака келди. Бир йилда қарийб 6 миллиард сўмлик товар айланмаси амалга оширилиб, 100 миллион сўмдан зиёд соф даромад олинди. 50 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Чакана савдо товар айланмаси 500 миллион сўмни ташкил этди.

Жамият ихтиёрида ёрдамчи корхона ташкил қилиниб, макарон, музқаймоқ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу тармоқдан 3 миллион сўм даромад олинди.

Буюртмачилар белгиланганидан анча кўп гўшт ва сут, консерва, болалар овқати, сариёғ, ўсимлик мойи, ун, чой, минерал сув ва бошқа маҳсулотлар билан таъминланди.

Корхонада ишчи-хизматчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган. Масалан, меҳнатда ўрнак кўрсатган Р.Бекжонов, Б.Ботиров, А.Ёқубов каби ишчилар маошига қўшимча равишда 3 ойлик миқдорда рағбатлантирилди.

Ҳиссадорлик жамиятида техника хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига қатъий амал қилинади. Иш жойлари тоза ва озода, санитария талабларига тўла жавоб беради. Оғир юмушларда ишловчиларга сут ва сут маҳсулотлари ҳар хил шарбатлар бериб борилади.

Н.ИСОМУДДИНОВ.



Бўстонлиқ тумани аҳолисининг қарийб 59 минг нафарини вояга етмаган ёшлар ташкил этади. Туман ички ишлар бўлими ходимлари томонидан ёшлар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида турли учрашувлар, йиғинлар ўтказилмоқда.

Яқинда Газалкент шаҳридаги 6-мактаб-интернатида ана шундай учрашувлардан бири бўлиб ўтди. Туман прокуратураси, халқ таълими бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

«ИНТЕРНЕТ КАФЕ»

Фараз қилайлик, бирон ерга шошиб турибсиз. Зарур бир ҳужжат нусхасини тайёрлаш ёки бўлмаса халқаро факс хизматидан фойдаланиш зарур бўлиб қолди.

Мана шуларни инобатга олиб, «Янгийўл телекоммуникация боғланмаси» акциядорлик жамияти «Тошкент почтаси» билан ҳамкорликда Янгийўл шаҳрида «Интернет кафе» хизмат хонасини очди. Унда фуқаролар интернет тармоғидан, халқаро факс хизматидан фойдаланишлари, компьютер тизимида ишлашлари, нусха кўчириш, ҳужжатларни тайёрлаш ва босиб чиқариш каби хизмат турларидан фойдаланишлари мумкин. Замонавий қилиб таъмирдан чиқарилган зал эса болажонларга мунтазир.

– Ўтган йили вилоятнинг Ангрен ҳамда Тўйтепа шаҳарларида ҳам аҳолига ана шундай қулайлик яратилганди, - дейди «Тошкент почтаси» касаба уюшма қўмитасининг раиси Галина Шиянова. — Янги йил арафасида Янгийўл шаҳрида очилган «Интернет кафе» хизматидан ҳам аҳоли ниҳоятда мамнун бўлмоқда.

Алоқачилар жорий йилда яна шундай қулайликни Бекобод шаҳри аҳолисига ҳам туҳфа этиш ниятидалар.

Б.РАФИҚОВ.

ЯНГИ КОРХОНАЛАР

Бўз тумани меҳнатчиларини бағрига чорлади

Бўз тумани қўриқ ерларда ташкил топган бўлиб, аграр соҳага ихтисослашган ҳудудлардан бири. Шу боис қишлоқ хўжалиги асосий тармоқ ҳисобланади. Бугунги кунда жами 8 та жамоа хўжалиги, бўрдоқичилик базаси, 71 та фермер хўжалиги, пахта тозалаш заводи, 3 та қайта қурилиш ташкилоти, 2 та автокорхона фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари туман ҳудудида 20 та мактаб, 3 та билим юрти, 40 та болалар боғчаси, 34 та кутубхона, 400 ўринли марказий касалхона, 6 та поликлиника, 3 та санаторий ва 2650 мижозга хизмат кўрсатувчи алоқа уйи мавжуд.

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси 13036 нафар аъзо бирлашган. 19 та бошланғич ташкилот бор. 50 мингдан ортиқ киши истиқомат қилаётган туманда аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўплаб намунали ишлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ўтган йили юз нафар киши тармоқ бўйича малакасини оширди. Маҳаллий шароитдан келиб чиқиб, ёшлар механизатор, бухгалтер, дурадгор, қурувчи касбларига ўқитилди. 600 нафарга яқини турли йўналишлар бўйича ишга жойлаштирилди. Шунингдек, ногиронлар ҳамда болали аёлларга квоталаштирилган иш жойлари ташкил этилди.

Туман ҳудудида барпо этилаётган хусусий ҳамда кичик корхоналар кун сайин кўпайиб бораётир. Бунинг боиси шундаки, бу ерда тадбиркорларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Пировард натижада 51 та ана шундай корхона юзага келди. Бундан ташқари, ўтган йили 3 та йирик корхона ишга туширилди. Бу эса аҳолини иш билан таъминлашда муҳим омиллардан биридир. Шуни эътироф этиш керакки, туманда германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда кичик қўшма корхона ташкил этилгани ҳам эришилаётган ютуқлар сирасига киради. Тиббиёт пахтаси ва бинт тайёрлашга мўлжалланган корхона аҳолини зарур истеъмол моллари билан таъминлайди. «Муҳайё» қўшма корхонаси ишга туширилгач, 20 нафар киши иш ўринларига эга бўлади.

– Ўтган Қарияларни қадрлаш йилида амалга оширилган ишлар кўлами кенг, - дейди туман агросаноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ф.Ибрагимов. – Жумладан, йил давомида 3,5 минг нафар қария тиббий кўрикдан ўтказилди. Улардан 96 нафарининг саломатлиги тикланиб, бепул муолажа қилинди. Наврўз, Мустақиллик ва Ҳайит» байрамларида ҳар бир қарияга алоҳида эъзоз кўрсатилди. Тумандаги 51 нафар уруш қатнашчиси, 59 нафар ногиронлар, 107 нафар ёлғиз пенсионер, 41 нафар урушда ҳалок бўлган жангчи оилалари, 13 нафар асрни қоралаган фахрийлар ҳолидан мунтазам хабар олиб турилибди. Уларга жами 1 миллион сўмликка яқин бепул дори-дармонлар олиб берилди. Шунингдек, кенг миқёсда ўтказилган «Кексалар дуосини олайлик» умумхалқ ҳаракатида барча фаол иштирок этди.

235 нафар кекса меҳнат фахрийси Самарқанд, Бухоро, Фарғона шаҳарлари бўйлаб саёҳатга олиб чиқилди. 7 нафар қария эса «Марҳамат» ва «Нефтчи» сиҳатгоҳларида бепул дам олди. 47 нафар меҳнат фахрийси тантанали равишда кексалик нафақасига кузатилди.

Туман фаоллари жорий Обод маҳалла йилида ҳам кўплаб эзгу ишларни амалга ошириш ниятидалар.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Мирзаобод тумани маркази - Наврўз кўрғонида 1024 номерли электрон - рақамли телефон станцияси ишга тушди.

ХИЗМАТ СИФАТИ КАФОЛАТЛАНАДИ

Мирзаобод телекоммуникация тармоғининг муҳандис-техник ходимлари янги тизим бўйича 700 абонентга телефон ўтказиб беришди. 2003 йилнинг дастлабки чорагида Боёвут туманида 1000 номерли, Меҳнатобод туманида 500 номерли янги рақамли станциялар иш бошлайди.

Тошкентдаги Ўзбекистон-Япония марказида Профессионал менежмент йўналиши бўйича таълим дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ПРОФЕССИОНАЛ МЕНЕЖМЕНТ КУРСИ ОЧИЛДИ

Учинчи маротаба ташкил этилган мазкур курсга бир неча босқичли синовлардан муваффақиятли ўтган ўн саккиз нафар тингловчи қабул қилинди. Бўлажак менежерларнинг барчаси олий маълумотли, аксарияти амалиётда ҳам тажриба тўплашга улгурган.

Курс тингловчилари беш ой давомида ўндан ортиқ фан бўйича таълим олади. Дарслар мамлакатимиздаги олий ўқув юртлари ўқитувчилари ҳамда япониялик етакчи мутахассислар томонидан ўтказилади.

Машғулотлар энг замонавий таълим технологияларига эга бўлган Ўзбекистон-Япония марказида ўтади. Ўқув дастурида назария билан бирга, амалий машғулотларга ҳам кенг ўрин берилган. Тингловчилар мамлакатимизда фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг фаолияти билан бевосита танишиш имконига эга бўлади.

"БАРАКА"НИНГ ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАРИ

Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган Mercy Corps International (MCI) АҚШ Халқаро Меҳрибонлик Корпусининг "Барака" микромолиявий дастури кейинги бир ярим йил мобайнида 3300 нафар тадбиркорга бир миллиард сўм миқдорида кичик кредитлар берди.

"Барака" микромолиявий дастурининг мақсади, - деди дастур ходими Нозим Қориев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланмоқчи бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш йўли билан кам таъминланган оилаларни моддий таъминланганлик даражасини оширишдан иборат. Биз микрокредитларни кичик ишлаб чиқариш, савдо-тижорат фаолияти, агробизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланаётганларга берамиз. Шу кунларда Наманган шаҳри, Косонсой, Уйчи, Учқўрғон туманлари ҳамда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги тадбиркорларга кредитлар бераяпмиз. Келгусида тадбиркор эркакларга ҳам микрокредитлар беришни бошлаймиз.

(ЎзА) ва
"Туркистон-пресс"

Навоий вилоят касаба уюшмалари Кенгаши қабулхонасида

ИШЧИНИНГ ҲАҚЛИ САВОЛИ

нега жавобсиз қолмоқда?

«....Мен «Бунёд-Қизилқумцемент» ишлаб чиқариш корхонаси тикув цехида 1998 йилдан ишлаб, 2001 йилдан туғиш таътилига чиқдим. Болам учун олинадиган нафака пулини 2002 йил январ ойидан бери ололмаяпман. Бу ҳам етмаганидек таътилда бўлишимга қарамасдан ишдан бўшатишган. Менга бу ҳақда огоҳлантиришгани, буйруқни кўрсатишгани ҳам йўқ. Болам учун бериладиган нафақани ундириш ҳамда ишга қайта тикланишимга ёрдам беришингизни сўрайман». (имзо, сана).

Тикувчи Саодат Полвонованинг мурожаати Навоий вилояти касаба уюшмалари Кенгашида – 2002 йилнинг 21 августида қайд қилинган.

Шунгаям орадан беш ойдан ошиқ вақт ўтди. Саодатнинг қонуний талаби ўрганиб чиқилиб бажарилгандир, шусиз ҳам иқтисодий жиҳатдан қийналаётган оилага ёрдам кўрсатилгандир, иш билан таъмин этилгандир, деб ўйларсиз. Қаёқда? Унинг бирон бир талаби бажарилмади. Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши томонидан «Қизилқумцемент» ҳиссадорлик жамияти бош директори Р.Жуманиёзов номига йўлланган сўров хатларига масъулиятни ўзидан соқит қилувчи ёки қонуний талабни бажаришни атайлаб ортга сурувчи жавоблар келаверди.

Хуллас, Саодатнинг илтижоси бюрократик маҳкама эшигидан ҳатлаб ўтолмади. Уни эшитадиган инсон топилмади. Мана ўша расмий жавобдан намуналар: «Фуқаро Полвонова Саодат томонидан тушган аризани кўриб чиқиш муддатини корхона тугатилиши муносабати билан ҳужжатлар архивга топширилгани сабабли октябр ойининг биринчи беш кунлигида амалга оширилишини билдирамиз». «Тугатиш комиссиясининг раиси (имзо) Ю.Жўраев. Таассуфлар бўлсинки, архивдан жавоб олиш хатда кўрсатилган муддатда эмас, ноябрнинг ярмигача чўзилди.

«Бунёд-Қизилқумцемент» ишлаб чиқариш корхонаси мустақил юридик шахс мақомига эга бўлган хўжалик юритувчи субъект бўлиб ҳисобланади. Кармана туман ҳокимининг қарорига асосан мазкур корхона давлат реестридан чиқарилган, унинг ҳуқуқий вориси этиб «Ҳавас» фирмаси белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 50-моддасига биноан «Бунёд–Қизилқумцемент» ишлаб чиқариш корхонасининг барча ҳуқуқ ва бурчлари юзасидан унинг ҳуқуқий вориси жавобгар бўлади». Бош директор ўринбосари (имзо) Ш.Усмонов.

Бир юмалаб «Бунёд»дан «Ҳавас»га айланган корхона маъмурияти эса афтидан ҳали-бери бечора аёлнинг арзу додини тинглайдиганга ўхшамайди. Агар шундай бўлмаганида нуфузли бир ташкилотни қуруқ ваъдалар билан алдаб келмаган бўлишар эди.

С.Полвонованинг аризаси вилоят касаба уюшмалари Кенгашига келиб тушган 37 ёзма ариза, 110 оғзаки мурожаатлардан бири. Кенгаш ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида уларнинг 114 таси ижобий ҳал қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, шикоятларнинг аксариятида ноҳақ ишдан бўшатилганлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги, дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар ололмаётгани, иш ва дам олиш шароитлари яратилмаётгани, уй-жой билан таъминланмаётганлиги баён қилинган.

Вилоят касаба уюшма фаоллари ариза, мурожаатлар билан ишлашда қатъият, талабчанлик кўрсатмоқда. Корхона ва ташкилотларда қонун устуворлигини таъминлашга жиддий киришилмоқда. Бу борада, айниқса, прокуратура, суд органлари билан яқин ҳамкорлик катта самара бермоқда.

Биз Саодатнинг ва умуман барча хатлар ортида инсон тақдири ётганлиги ҳақида гап очдик. Биламизки, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқи, меҳнати муҳофазаси демократик фуқаролик жамияти қурилишининг бош омилидир.

Шундай экан, ҳар биримиз қонун устувор бўлган жамиятда яшаётганлигимизни унутмайлик!

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ:

«МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА УСЛУБИЙ ТАВСИЯНОМА

ИШ БЕРУВЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

1.Меҳнат муҳофазаси бўйича иш берувчи 200____ йилга___-_____минг (миллион) сўм ажратиш мажбуриятини олди ва уни қуйидагича тақсимлаб чиқади:

- меҳнат муҳофазаси бўйича битим учун_____минг (миллион) сўм;
- махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари учун__-_____минг (миллион) сўм;
- сут маҳсулоти учун_____минг (миллион) сўм;
- ювиш воситаси учун_____минг (миллион) сўм.

Ажратилган маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш қуйидагиларга юклатилади:

Иш берувчида_____
Касаба уюшма қўмитасида_____

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (илова 1), меҳнатни муҳофаза қилишга ва унинг шароитларини яхшилашга қаратилган ишлар уларга маблағ ажратиш ва таъминлашнинг 2-рўйхат шаклида тузиб жамоа шартномасига илова қилинади.

2.Ҳар бир иш жойга мослаб иш шароити бўйича тартиб, қоида ва йўриқномалар ишлаб чиқади. Бу тартиб, қоида ва йўриқномалар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда ходимларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш ва иш вақти ҳамда дам олиш тартиби, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак.

Иш шароити тартиб қоидалари — йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши, ҳар йили ходимларнинг _____фоизини қамраб олиш керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларининг ортиш муносабати, ходимлар соғлиғини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартишларни киритиб бориш мажбуриятни олади.

3. Ходимнинг иш жойидаги меҳнат шарт-шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шарт-шароитларига ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ишловчини муттасил хабардор қилиб бориши керак. Булар ишлаб чиқариш муҳити ва дам олиш тартибларига, имтиёз ҳамда компенсациялар, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқий аҳволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумот ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши керак.

4. Давлат, тармоқ ва республика стандартларига эга бўлмаган иш жойлари, асбоб-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш (МХСАК). Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхона техника хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилади.

5. Биринчи февралгача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиши лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларининг ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.к.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланишини назоратга олади.

6. Келгуси йил жамоа шартномасининг бўлимини тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиши ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификацияси биринчи мартгача тузиб чиқилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага топширилади, молия бошқармасига эса уларни маблағ билан таъминлаш топширилади.

7. Техника хавфсизлиги хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув ва кўргазмали қуролларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатлар, хотира йўлланмалари ва ҳоказоларни сотиб олишни ташкил қилади.

8. Корхоналарни қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар 1 октябргача бажарилиши керак.

9. Санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (қайси бино, хоналарнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгисининг қурилиши бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилиши керак).

10. Ўта хавфли ва зарарли шароитларда ишлаган ходимларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси асосида қўшимча меҳнат таътили берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши керак, шунингдек бепул даволаш-профилактик таом берилиши лозим (илова 1).

11. Зарарли меҳнат шароитида ишлаганларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ қўшимча таътил берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши, шунингдек бепул сут берилиши керак (илова 2):

сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш меҳнат шароитини санитария-гигиена қоидалари талабларига тўла мувофиқ келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олади;

белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20__ йилнинг _____гача топшириш мажбуриятини олади.

12___ сонли иловага мувофиқ ишловчиларга махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситалари ўз вақтида берилиши керак.

Зарур миқдордаги махсус кийим-бош пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларига бўлган буюртманома ўз вақтида, муддатида (1 мартдан кечиктирилмасдан) тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага, молия бошқармасига эса маблағ билан таъминлаш топширилиши керак.

Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ва бошқа ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясининг фақат иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олиши керак.

Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош ва махсус пойабзал янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштирилиб берилиши керак.

Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги керак, уларнинг яхши сақланиши ва ўз вақтида таъмирланиши таъминланиши лозим.

13. Ишлаётганлар белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминланиши керак (маблағ бўлса бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар – чой, настойка ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

14. Корхона ҳудуди ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақланиши лозим, ўтиладиган жойларнинг ораликлари аниқ белгиланган бўлиши, уларга қатъий амал қилиниши, корхона ичидаги ва бўлимлардаги транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

15. Мансабдор шахслар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси, технологик интизом талаб-қоидаларига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирацияларнинг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишлари керак. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўймаслиги лозим. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуналар ўз вақтида текширилиб туриши керак.

16. Корхона ходимларининг йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

17. Корхонада малакали хотин-қиз мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўташ билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

- иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши керак бўлган хотин-қизлар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиниши керак (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва регионда юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);
- хотин-қизлар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши муносабати билан малакали хотин-қизлардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўла бўлмаган иш кунига ўтказиш;
- меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган хотин-қизларга уларнинг розилиги билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун унга ёрдам (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) қилиш;
- корхона (таркибий бўлинма) реконструкция қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган хотин-қизлар биринчи навбатда ишга олиниши керак, зарурат бўлганда улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;
- ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни иш вақти 8 соатдан ошадиган ишларга жалб этилмаслик;
- ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишларни ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун рухсат бериш;
- цехларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этилиши керак.

КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия таркиби тасдиқланиши, фаоллар ўқуви (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилиши керак) ўтказилиши керак.

2. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

3. Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида махсус уст-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларига бўлган буюртманомалари кўриб чиқилиши керак, бу тадбир буюртма корхонанинг моддий-техник таъминот органларига ўтказилмасдан аввал қилиниши лозим.

4. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя бошқа муҳофаза воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлиги, улардан албатта фойдаланиши назорат қилиниб борилиши керак.

5. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муттасил текшириб борилиши, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш керак, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши керак.

6. Жамоа шартномаси ва унинг битим бўлимлари лойиҳалари бўйича таклифларни тўплаш ташкил қилиниши ва улар цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар меҳнат жамоалари мажлисларда муҳокама этилиши керак.

7. Цехда меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилаётган, меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ўтказилаётган вақтда жамоа шартномалари ва битимларининг умумкомиссия томонидан қандай бажарилаётганлиги текширилиши керак.

ИШ БЕРУВЧИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИНИНГ ЎЗАРО МАЖБУРИЯТЛАРИ:

1. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшмаси органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлиғига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса иш берувчининг позициясига қарши ўлароқ, касаба уюшмаси органини иш шароитининг ходимлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшмаси органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

2. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол бузса, ходимни шахсий ҳимоянинг зарур воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилмагунча тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

3. Корхона жамоасининг структуравий бўлинмалари бўйича меҳнат муҳофазаси комиссияси миқдорий таркиби аниқланиши, уларнинг сайлови, ўқуви (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказилиши ва тегишли гувоҳномалар берилиши керак.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг энг яхши аъзолари тақдирланиши (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ, турлари, уларнинг иш якунлари кўрсатилиши керак) керак.

5. Корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъмурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубининг олиб борилишини таъминлаш.

6. Томонлар моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатишлари лозим, бунда йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга қонун томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг _____ миқдорида пул мукофоти берилади.

Юқоридаги кўрсатилган ходимлар тақдирланишга цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишиб, номзод меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тавсия этилади.

7. Томонлар шундан келиб чиқадики, шикастланиш, касб касаллиги туфайли ёки ўз вазифасини бажариш натижасида ходимлар соғлигига етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавоб беради.

Томонлар шунга келишадиларки, корхона ходимига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ қуйидагича ҳақ тўлайди:

- шикастланган, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тўғрисидаги 1994 йил 1 февралдаги қоида кўзда тутилганга нисбатан _____ фоиз кўп миқдорларда бир марта тўланадиган нафақа;

қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда _____ фоиздан _____ фоизгача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

- меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак) тўлайди, шунингдек, диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;
- иш берувчи, агар жабр кўрган одам шикастлангани натижасида илгариги ишини қилишга қодир бўлмаса, ДМЭК ёки ВКК хулосасига мувофиқ унинг розилиги билан уни бошқа касбга ўқитиш-ўргатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

ўқиш давомида жабрланганга аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

Илова № _____

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим: корхона, муассаса, ташкилот ва ҳоказо

№	Тадбирлар (ишлар мазмуни)	Ҳисоботга олиш бирлиги	Миқдори	Ишлар қиймати (минг сўм ҳисобида)	Тадбирларнинг бажарилиш муддати	Ижро учун масъул	Кутилган ижтимоий самара	
							Меҳнат шароити яхшиланиши керак	Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар
							Жами, шу жумладан	Жами, шу жумладан

1.
2.
3.
4.
5.

Корхона раҳбари

Корхона касаба уюшма қўмитаси раиси

Илова № _____

Касблар ва лавозимлар номи. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар, лавозимлар номи	Берилиши керак бўлган махсус уст-бош. Махсус пойабзал ва махсус ҳимоя воситаларининг турлари	Ой ҳисобида кийилиш муддати

1.
2.
3.
4.
5.

Илова №_____

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Қўшимча меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш кунини тайинлаш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити зарарли ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар ва лавозимлар номи	Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак

1.
2.
3.

Илова № _____

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Бепул даволаш-профилактик овқатланиш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити ўта зарарли ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар ва лавозимлар номи	Овқатланиш рациони

1.
2.
3.

Илова № ____

Касблар ва лавозимлар рўйхати. Иш кунлари сут ёки бошқа шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладиган касблар, лавозимлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар ва лавозимлар номи

1.
2.
3.

ЎзКУФКнинг меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими

Бор бўл, оқибат!

Хўжаободлик Миродилжоннинг расм чизишдаги ноёб истеъдоди ҳақидаги хабарни эшитгач Мақсудахон дарҳол йўлга отланди.

ЎКСИК КЎНГИЛЛАР МАЛҲАМИ

Кўча бошида меҳмонни туман ногиронлар уюшмаси бошлиғи Роҳилахон Раҳматуллаева кутиб олди. Аммо манзилга етай деганда, Мақсудахоннинг болаликдаги касали яна панд берди. Автобусдаги ўриндиқнинг ноқулайлигиданми, йўл азобиданми, оёғи тортишиб юриши қийинлашди. Оғриқнинг зўрини меҳмоннинг қошлари устига тепчиб чиққан тер томчиларидан ҳам пайқаш мумкин эди.

Дарвоза олдида уларни яна бир кўнгилсизлик кутиб турарди. Уй эгасини овоз чиқариб чақиришмасин, бирон-бир зоғ кўринмасди. Бир маҳал эшик шашт билан очилиб, «Ногиронни ҳам ўз ҳолига қўйишмайди», деган овоз эшитилди.

Уйда қоши-кўзи попукдек бола оёқ-қўли мажолсиз шипга термулганича ётарди.

— Салом, қўзичоғим! Ою-юлдузларни, қушчаларни қоғозда гапиртириб юборармишсан. Шу ростми? — дея боланинг пешонасини силади Мақсудахон. Аёлнинг ипакдек майин овози, беғубор кўзлари боланинг қалбига меҳр нурини олиб кирди.

— Булбулниям, сигиримизниям, олапарнинг ҳам расмини худди ўзидай тасвирлай оламан, — деди бола қувониб.

Роҳилахон болиш ёнбошидаги қаламдонга қўл чўзди. Альбомни болакайнинг ияги остига жойлаштириб, қаламни лабига қистирди. Зум ўтмай, қоғозда капалаклар, тилла қўнғизлар гулзор узра қанот қоқа бошлади. Гуллар баргидаги биллур шудринг томчилари, тоғлар ўнгиридан ҳали бош кўтармаган қуёш гардининг шафақлари, нилий осмон жонлана бошлади.

— Худо берган қобилият! — Ана шу гаплар меҳмонларнинг кўнглидан ўтди. Ҳа, яратганнинг мўъжизаси бу. Бирини ортиқ қилиб, бошқасини кам қилар экан. Мақсудахон билдики, отаонанинг узун кечалардаги эртаклари, ўқиб берган китоблари, телевизорда кўрганлари ёш рассомнинг дунёсини бойитган.

1998 йилда ЁНГРАГ халқаро хайрия жамғармаси томонидан ногирон болалар ижодига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловда Миродил Болтабоевнинг манзаралари тасвирлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юқори баҳоланди. Кўргазмада Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев расм олдида ҳайратдан лол бўлиб туриб қолганлигини гапириб беришганди. Миродил шу кўргазмада юксак санъати учун «Майра» ногиронлар аравачаси, рангли телевизор совға қилиниб, «Жасорати учун» соврин эгаси ҳам бўлди.

Мақсудахоннинг кўмаги билан вилоятда ўнлаб ўксик кўнгиллар хаётда ўз ўрнини ва мавқеини топиб келяпти. Асакалик Шаҳноза Қосимова ногиронлиги туфайли 5-синфдан мактабга бормай қўяди. Чунки қўлидаги ўсимта кучайиб, мактаб сумкасини кўтаришга ҳам қуввати қолмайди. Шунга қарамай Шаҳнозанинг расм чизишга ихлоси баландлигини кўрган Мақсудахон ёш талантни қўллаб-қувватлади. Унинг ота-онаси билан учрашиб, қизчанинг машқларини давом эттиришига ёрдамлашди. Халқаро ташкилот томонидан ўтказилган «Мафтункор ранглар дунёси» танловида қизча иштирок этиб, муносиб ўрин эгаллади.

Шаҳнозанинг тақдири ҳақидаги ўй-фикрлар Мақсудахонга кўрик пайтида ҳам тинчлик бермасди. Бир оёғи танлов ўтаётган Юқори Чирчиқ туманида бўлса, бир оёғи Андижондаги ногиронларни даволаш реабилитация марказида эди. У ерда ажойиб инсонлар — тиббиёт фанлари доктори Жамолиддин Нажмиддинов, Улуғбек Эшонхўжаевлар ҳомийлигида қизни жарроҳлик йўли билан дарддан халос қилиш учун астойдил ҳаракат қилиб, уддасидан чиқишди. Шаҳноза ўрта мактабда, кейинчалик касб-ҳунар коллежида ўқишни давом эттирди. Шу кунларда Шаҳнозахон ширингина фарзандларининг меҳрибон онаси, ҳисобчи бўлиб ишлаяпти. Қанчадан-қанча ёрдамга муҳтож, ўксик кўнгиллар дардига малҳам бўлган, болапарвар, фаришта-сифат бу аёл ким бўлди, деб қизиқа бошлагандирсиз, ҳойнаҳой? У Андижон вилоят ногирон болалар уюшмаси раиса М. Матҳалиловадир.

Айни пайтда вилоятда 15 мингга яқин туғма ногирон болалар рўйхатга олинган. 18та туман ва шаҳарларда уюшманинг филиаллари ишлаб турибди. Ногиронлар соғлиғини яхшилаш, ортопедик ва протез ускуналар билан таъминлаш, ўқитиш, тарбиялаш, касб-ҳунар эгаллашида уюшманинг хизмати салмоқли.

Бу борада уюшма халқаро тажрибаларга таянган ҳолда Америка, Франция, Буюк Британия, Россия билан ҳамкорликда иш олиб бораяпти. Жумладан, Франциянинг фалажлар уюшмаси таклифи билан М. Матҳалилова мамлакатнинг бир қатор шаҳарларида бўлиб, ногирон болалар ижтимоий ҳимояси билан танишиб, тажриба ўрганиб, уларни амалга жорий этмоқда. Ногирон болалар уйлари ва умумтаълим мактабларида ўқитиш бўйича илмий-тажриба ишлари ўтказилмоқда. Қўрғонтепа туманида 3 нафар туғма камчилиги бўлган болалар танлаб олиниб, қишлоқ мактабларида уларнинг тўлақонли билим олиши таъминланди. Шунингдек, ҳар йили 20 нафар ногирон бола ота-оналари билан марказий касалхоналарда даволаниб, фаол ҳаётга қайтмоқдалар.

Вилоят ҳокимлигининг уюшмага кўрсатаётган кундалик ёрдамини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳомий ташкилотлар ҳам қараб турмаяпти. «Андижонсут» ҳиссадорлик жамияти жамоаси болаларни гўшт, сут, колбаса маҳсулотлари билан сийлади. «Мадад» гўшт корхонаси шаҳарлик ногирон кичкинтойлар дастурхонига доривор гемотоген маҳсулотлари етказиб берди. Муҳаммаджон Расулжонов бошлиқ «Андижоннефт» корхонаси эса қарийб бир миллион сўмлик кийим-бош, ўқув қуролларини совға қилди.

Шунга қарамай уюшманинг бир қатор муаммолари ечимини топиши қийин кечмоқда. Жамоани ишчи ходимлар билан таъминлаш, ишхона учун бино, транспорт воситалари шулар жумласидандир.

Бу ҳақда ҳамон республика фалаж ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам бериш жамоатчилик маркази раҳбариятининг вилоят ҳокимлигига мурожаати ўз жавобини кутиб ётибди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ОНА-БОЛА САЛОМАТЛИГИ
давлат муҳофазасида

Мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда.

- Ҳар бир даврда инсон саломатлиги муҳим масалалардан бири бўлиб келган,- дейди Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар хирургияси кафедраси профессори Жуманазар Бекназаров ЎзА мухбирига. - Юртимизда тиббиётни янада равнақ эттириш ва замон талаби даражасига кўтаришга алоҳида эътибор берилаётгани жуда қувончли ҳол.

Мамлакатимиз тиббиёт олий ўқув юртларида жорий этилган янги тизимга мувофиқ етти йилда бакалаврлик даражасига эга бўлган талаба тиббиётнинг бир эмас, балки деярли барча йўналишлари бўйича етарли билимга эга бўлади.

Магистратура босқичидан ўтган талабани ҳеч иккиланмасдан пухта билимга эга шифокор дейиш мумкин. Институтимиз ва унинг ҳузуридаги шифо масканида талабаларнинг пухта билим олиши, беморларнинг тезроқ шифо топиши учун барча шароит яратилган. 300 ўринлик шифохонамизда ҳар ойда 1300 нафаргача бемор даволанади.

Шифохона олийгоҳимиз асосий базаси ҳисобланиб, унда назарий ва амалий машғулотлар ўтказадиган болалар хирургияси, болалар травматологияси, болалар анестезиология ва реанимацияси, болалар неврологияси, педиатрия каби 10 та кафедра фаолият кўрсатади. Бу кафедраларда 100 нафардан ортиқ профессор-ўқитувчи талабаларга таълим беради. Бу ерда илмий изланишлар олиб бориш учун ҳам етарли имконият мавжуд. Олимларнинг саъй-ҳаракати ва изланишлари туфайли болалар жарроҳлиги ва даволашнинг янги усуллари амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Институтимиз талабаларининг пухта билим олишида Аминбой Сулаймонов, Фатхулла Жалилов, Гулимбой Бобохонов, Саидакром Ҳасанов, Ғайрат Исломбеков, Изден Азизов, Матёқуб Сулаймонов, Шоира Ҳамидова каби профессор ва шифокорлар яқиндан ёрдам бермоқда.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда она ва бола саломатлиги давлат муҳофазасидадир. Зотан, юртимиз келажаги соғлом, бақувват, тафаккури теран фарзандлар қўлидадир.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА (ЎзА) ёзиб олди.

Суратда: Тошкент педиатрия тиббиёт институти болалар хирургияси кафедраси профессори Жуманазар Бекназаров.

Муҳаммад АМИН олган сурат.

Бокс

Профессионал бокснинг WBO йўналишида жанг олиб бораётган ҳамюртимиз Артур Григоряннинг ғалабаларига бокс мухлислари кўникиб қолган. «Қирол Артур» ўз йўналишида энг кучли эканлигини яна бир бор исбот этди. У навбатдаги жангда польшалик рақибини мағлуб этиб 17-марта ўз чемпионлик камарини сақлаб қолди.

АЖОЙИБ ҒАЛАБА

Шу билан бирга IBF йўналишида рейтинг баҳсларини ўтказаётган Муҳаммадқодир Абдуллаев ва Қувончбек Тўғанбоевлар ҳам рингга чиқдилар. Австриянинг Мельбурн шаҳрида ўтган жангда Муҳаммадқодир шу юрт шаънини ҳимоя қилаётган Филлип Холлидейни биринчи раунддаёқ 3 марта ногдаун ҳолатига тушириб, муддатидан олдин чиройли ғалабага эришди.

Панамалик боксчи Алфансо Маскерога қарши рингга чиққан Қувончбек Тўғанбоев эса ўз рақибини еттинчи раундда таслим этди.

Ўзбек боксчиларининг ғалабалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмаётир. Айниқса, Муҳаммадқодирнинг кучли зарбалари ҳар қандай рақибни саросимага солиб қўяётгани, унинг юлдузли онлари яқин эканлигидан далолат беради.

ПУЛ ҚАНДАЙ КЕЛИБ ЧИҚҚАН?

Биласизми?

Бир неча минг йиллар илгари кишилар пул нималигини билишмаган. Улар бир-бирлари билан турли-туман нарсаларни, буюмларни айирбош қилишган, холос. Қулол ўзи ясаган кўзаларини, темирчилар бўлса болта, пичоқ, найза учларини, деҳқонлар дон, ўсимлик мойи, мева-чеваларни, чорвадорлар қўй, буқа, жун, тери ва шу кабиларни, ғолиб жангчилар ҳатто ўз асираларини алмашишган.

Бироқ, айирбош қилиш жуда мураккаб иш. Ахир, айирбош қилинаётган буюм ва озиқ-овқатнинг баҳоси бир хил эмас эди-да. Буюм ёки маҳсулотнинг баҳоси унга қанча меҳнат сарф қилингани, уларни етиштиришда қандай қийинчилик бўлгани, баъзан эса хавф-хатар қандай даф этилганини қиёслаш мумкин бўлмай қоларди. Масалан, бир бош қўйга иккита болта ёки битта шим ва тўртта кўзача олиш мумкин эди. Қоплон тишидан ва тирноқларидан ясалган маржонга эса битта қайиқ ёки иккита буқа олса бўларди.

Алмашлашни осонлаштириш мақсадида одамлар қайси буюм бунинг учун энг қулай келишини ўйлай бошлашди. Кўп нарсани - чорва молларини ҳам, озиқ-овқат маҳсулотини ҳам, мўйна, газламани ҳам пул ўрнида алмаштириб кўришди. Бироқ, улардан пул ўрнида фойдаланиш жуда ноқулай эди. Қўй ва ҳўкизларни асраш учун бошпана, боқиш учун озуқа керак эди. Маҳсулотлар эса вақт ўтиши билан бузиларди. Мўйналарга куя тушар, газлама ситилиб кетарди.

Давр ўтиши билан одамлар пул вақтинчалик эмас, доимий бўлиши зарурлигини тушуна бошлашди. Асраганда, қўлдан қўлга ўтганда улар бузилмаслиги керак. Қолаверса, пул ёнда юришга қулай бўлиши, унинг оз миқдори ўз қимматига кўра ҳўкизга ҳам, уйга ҳам, ер участкасига ҳам тенг бўла оладиган бўлиши керак. Пул майдаланиш хусусиятига эга бўлиши зарур, ахир ҳамма ҳўкиз ёки кема сотиб олавермайди-ку. Инсон, одатда, бир бўлак гўшт, егулик нон, кавуш, кўйлаклик сотиб олади...

Мана шу ерда пулга бўлган янги талаб пайдо бўлади — пул майдалангани билан унинг умумий қиймати камаймаслиги керак. Масалан, қорақўл ёки тулкининг териси майда бўлакларга бўлиб ташланса, бу бўлакларнинг қиймати нимага тенг бўлади? Ҳеч нарсага!

Жанубий денгизлар тубидан олинган махсус чиғаноқлар ана шу талабларга оз бўлса-да жавоб бера олган ва дастлабки пул вазифасини ўтаган. Уларни тешиб, ипга маржон қилиб олишарди. Бироқ, уларнинг қиймати унча баланд эмасди, битта ҳўкиз учун мингта чиғаноқ санаб бериларди.

Энг қулайи металл пуллар бўлиб чиқди. Қолаверса, улардан турли қийматга эга бўлган тангалар: мисдан арзонроқ, кумушдан қимматроқ, олтиндан эса янада қимматроқ тангалар зарб этиш мумкин эди.

Бироқ, металл пулларнинг ҳам жуда катта ва муҳим камчилиги бор эди; улар ниҳоятда оғир ва кўп жойни эгаллади. Олис мамлакатлар билан савдо-сотиқ қиладиган савдогарлар учун бундай юкни олиб юриш жуда ноқулай ва хавфли эди: ҳар қанча яширмасинлар, қароқчи ва босқинчилар бу пулларни дарров топиб олишарди. Кишилар бунинг ҳам иложини топишди, улар олтин пулларни банкларга топшириб, эвазига ўзлари билан қоғоз тилхат олиб кетадиган бўлишди.

Шу тариқа биринчи марта қоғоз пуллар пайдо бўлди. Уларда бу пуллар банкда сақланаётган қанча олтин миқдорига тенг эканлиги кўрсатилган бўларди. Буюм, озиқ-овқат, хизмат, хуллас, инсон меҳнати сингган ҳамма нарса пул билан ҳисоб қилинарди. Шунинг учун ҳам пулнинг муайян миқдори исталган бошқа товарга тенг ва шу товарга айирбош қилиш мумкин бўлган ўзига хос товар деб ҳисобланади.

Омонулло АБДУСАЛОМОВ, «ҲАМКОРБАНК» етакчи мутахассиси.



ТАДБИРКОР ОРЗУСИ

Асакалик тадбиркор Қобулжон Қосимов расмлар галереясини ташкил этиш ниятида. Унинг хазинасида қарийб уч юзта сурат бор. Булар асосан Фарғона водийси мўйқалам усталарининг асарларидир.

Қ.Қосимов 10 йил аввал, фарғоналик рассом Синевер Шерфутдиновникида меҳмон бўлганда тасвирий санъатга шайдо бўлиб қолди. Бу ерда у бошқа ижодкорларнинг асарлари билан танишди. Санъатга муҳаббати туфайли у янги-янги расмларни излаб топди. Ўз топилмаларини реставраторлар ёрдамида тиклади. Ўринбой Охуновнинг 1910 йилда яратилган «Ўш манзаралари» асари шулар жумласидан.

Коллекционер маҳаллий рассомлар асарлари билан бир қаторда рус, немис усталари ижоди намуналарини тўплаган. Ўзбекистон Бадиий академияси Андижон вилоят бўлими мутахассисларининг фикрича, Қ.Қосимов коллекциясидаги суратлар катта тарихий ва бадиий қимматга эга.

БАРЧАГА МАНЗУР КЎРГАЗМА

Замонавий санъат марказида исроиллик суратқаш Михаил Левит фотосуратлари кўргазмаси очилди. Ижодкорнинг асарлари АҚШ, Буюк Британия, Франция, Польша, Словакия, Чехия, Сингапур каби мамлакатларда катта муваффақият билан намойиш этилган.

Кўргазмадан ўрин олган фотосуратлар, аввало, мавзу жиҳатидан ранг-баранглиги, кенг қамровлиги билан эътиборни тортади. Сайёҳларга хос ҳайрат билан акс эттирилган қадимий шаҳарлар, табиат манзаралари, турли ёш, миллат, касб кишиларининг фотопортретлари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Украинанинг Днепропетровск вилояти мактабларининг бирида суд тажрибасида ҳали кузатилмаган воқеа юз берди.

Устози мактаб ҳовлисини супиришни буюрган иккинчи синф ўқувчиси ўз ўқитувчисини судга берди. Ҳуқуқини яхши билган болакай устозининг бу қилмишига қарши суд орқали норозилик билдирмоқчи.

ҲУҚУҚБИЛАР ЎҚУВЧИ

Тўққиз яшар болакайга бу ишда отаси ёрдам бермоқда. Аслида суд орқали ким ҳақ, ким ноҳақлиқни аниқлаш ғояси ҳам отадан чиққан. Чунки у ҳар гал ўғлининг кундалигини кўрганда «эртага супурги олиб келинсин» деган ёзувни кўрарди. Буни ота ҳақорат деб тушунди ва ўғлини устозлар устидан суд иши кўзғашга даъват этди.

Отанинг фикрича, болани бундай ишга жалб қилиш «уни камситади». Шу боис у бола меҳнатидан фойдаланишни қонун йўли билан тақиқлашни ҳамда болага маънавий зарар етказилгани учун 6,2 минг гривня (тахминан 1200 АҚШ долларига тенг) миқдорида товон тўланишини талаб қилмоқда.

Бундай расмий даъвони кутмаган муаллимларнинг боши қотган. Шу вақтгача ўқувчиларни меҳнатга жалб этишга табиий қараларди. Инсонни болаликдан меҳнатга ўргатиш унда меҳнатсеварлик ҳамда табиатга меҳр билан қараш ҳиссини уйғотади, деб ҳисобланарди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Чунки, ёш авлодни меҳнатга ўргатишнинг нимаси ёмон? Лекин бегона ва текин меҳнатга эмас-да.

Днепропетровск вилояти прокуратураси матбуот хизматидан маълум қилинишича, Кривой Рог тумани прокурори томонидан «вояга етмаганларни жисмоний меҳнатга жалб этиш» ҳолати юзасидан тергов бошлаб юборган.

Шундай қилиб, Украинада илк бор педагоглар ҳам бола меҳнатидан фойдаланувчилар сафидан жой олиши мумкин. Бунгача ҳам Украинада вояга етмаганлар меҳнатидан фойда кўриш ҳолатлари учраган. 2002 йилда Днепропетровск вилояти прокуратураси вояга етмаган ўсмирларни ишлатиш ва меҳнатидан ноқонуний даромад олиш ҳолатларини аниқлаш бўйича қатор хусусий корхоналарни текширган эди. Натижада «меҳнат қонунчилигини бузиш» ва «даромад олиш мақсадида бола меҳнатидан фойдаланиш» ҳолатлари бўйича тўққизта жиноий иш очилган.

Днепропетровск вилоятидаги ушбу воқеа энди украиналик бошқа ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг ҳам кўзини очса, ажаб эмас. Бундай воқеалар демократик жамиятда фақат қонун устувор бўлиши кераклигига яққол мисолдир. Болаларга келсак, улар ҳам жамиятнинг ажралмас бир бўлаги, келажаги эканини унутмаслик лозим.

(ЎзА).

ҚЎШКЎПИР — ПОЛВОНЛАР ЮРТИ
уларнинг шуҳрати яна довон ошади

Болалар спорти

Қўшкўпир – ўзининг мард, алпқомат полвонлари билан шуҳрат қозонган юрт. Айни пайтда бу заминда миллий кураш билан бирга футбол, шоҳмот, бокс бўйича ҳам иқтидорли ёшлар камол топмоқда.

Миллий кураш фидойиси, туман спорт қўмитаси раиси Раҳимбой Қаландаров ташаббуси билан «Иттифоқ» ширкат хўжалигида ташкил этилган вилоят кураш мактаби филиалида бугунги кунда 300 нафарга яқин ёшлар машғулотларда қатнашишмоқда.

– Миллий кураш кишини нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга ҳам етаклайди. Бу спорт тури билан шуғулланган ёшлар мардлик, ҳалоллик, ғурур-ориятга, бағрикенглик сингари энг олий туйғуларни ўзларида мужассам эта борадилар, – дейди Раҳимбой Қаландаров. – Унинг фарзандларимиз камолотидаги бу юксак аҳамиятини назарда тутиб, энг чекка хўжалигимизда вилоят кураш мактаби филиалини очган эдик. Ҳозирда тарбияланувчиларимиз томонидан қайд этилаётган натижалар чакки эмас. Улар тажрибали мутахассислар – Умид Мамедов ва Саъдулла Худойқулиев мураббийлигида вилоят ҳамда республика миқёсидаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда.

Дарҳақиқат, ёш полвонлар маҳоратини оширишда туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган мусобақалар муҳим рол ўйнамоқда. Шу боис туман спорт қўмитаси ва кураш мактаби филиали раҳбарлари ёшлар ўртасида турли мусобақалар, жумладан, хотира турнирлари ўтказишга катта аҳамият беришмоқда. Масалан, миллий кураш бўйича Отабой Давлетов хотира турнири мунтазам тарзда ташкиллаштирилмоқда. Шунингдек, футбол, бокс, шоҳмот бўйича ўтказилаётган турнирлар ҳам ёшларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ана шундай мусобақалар сирасига Сафар Жумамуродов, Исмоил Ибрагимов ва Султонбой Жуманиёзов хотира турнирларини киритиш мумкин.

Мазкур мусобақаларда маҳоратларини чархлаган қўшкўпирлик ёш спортчилар вилоят ва республика мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритишяпти. Масалан, мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» беллашувларида туманнинг ёш футболчилари кўнгилдагидек иштирок этишди. Улардан икки нафари вилоят терма жамоасига қабул қилинди. Шунингдек, уч нафар ёш курашчи ҳам республика мусобақаларида вилоят шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Иқтидорли боксчи Анвар Жуманиёзовнинг Осиё чемпионатидаги ютуғи эса барча қўшкўпирликларни хушнуд этди. У нуфузли мусобақада иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медал соҳиби бўлди.

Ушбу ютуқларни қўлга киритишга, шунингдек, туманда болалар спортини ривожлантиришдек муҳим ишга саховатпеша ҳомийлар ҳам катта ҳисса қўшаётирлар. Масалан, тумандаги Силикат-ғишт заводи маъмурияти волейболчи Нодирбек Юсуповнинг ногиронлар ўртасидаги республика мусобақасида қатнашиши учун ёрдам кўрсатди. Шунингдек, бу борадаги кўплаб хайрли ишларга туман ҳокимияти ва касаба уюшма мутасаддилари ҳам имкон қадар ёрдам қўлини чўзишмоқда. Бироқ, бизнингча, ана шундай саховатли ҳомийлар сони яна-да ортса, туман спорти шуҳрати яна довон ошган бўлар эди.

К.ОЛЛОЁРОВ, Я.САРИЕВ, «Ишонч» мухбирлари. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.35

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20141 Буюртма Г— 019. 1 2 3 4 5